



THE IMPORTANCE OF THE CREATIVITY OF MELODIST AND PERFORMER ANSATBAY KAIRATDINOV IN THE FORMATION OF STUDENTS' KNOWLEDGE

Jumaniyazov Iskander

Nukus Branch of the State Conservatory of Uzbekistan, etc. professor
The city of Nukus, Republic of Karakalpakstan
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11518324>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2024
Accepted: 06th June 2024
Online: 07th June 2024

KEYWORDS

Bakhshi, jirov, dutor, song, student, tradition, Ansatbay Kayratdinov, epic.

ABSTRACT

This article is devoted to the life and work of Ansatbay Kayratdinov, who left an indelible mark on Karakalpakstan's bakhshi art, who has entered our hearts with his wonderful melodies and songs. It is considered a large-scale musical material for teaching students studying in the specialized fields of music education.

ЗНАЧЕНИЕ ТВОРЧЕСТВА МЕЛОДИСТА И ИСПОЛНИТЕЛЯ АНСАТБАЯ КАЙРАТДИНОВА В ФОРМИРОВАНИИ ЗНАНИЙ СТУДЕНТОВ

Джуманиязов Искандер

Нукусский филиал Государственной консерватории Узбекистана и др. профессор
Город Нукус, Республика Каракалпакстан.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11518324>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2024
Accepted: 06th June 2024
Online: 07th June 2024

KEYWORDS

Бахши, жиров, дутор, песня, ученик, традиция, Ансатбай Кайратдинов, эпос.

ABSTRACT

Данная статья посвящена жизни и творчеству Ансатбая Кайратдинова, оставившего неизгладимый след в искусстве бахши Каракалпакстана, вошедшего в наши сердца своими замечательными мелодиями и песнями. Он считается масштабным музыкальным материалом для обучения студентов, обучающихся в Каракалпакстане. специализированные направления музыкального образования.

БАСТАКОР ВА БАХШИ АНСАТБАЯ ҚАЙРАТДИНОВ ИЖОДИЁТИНИНГ ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Жуманиязов Искандер

Ўзбекистон давлат консерваторияси Нукус филиали в.в.б. профессори
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11518324>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2024
Accepted: 06th June 2024
Online: 07th June 2024

KEYWORDS

ABSTRACT

Ushbu maqola Qoraqalpog'iston baxshilari san'atida o'chmas iz qoldirgan, o'zining ajoyib kuy va qo'shiqlari bilan qalblarimizdan joy olgan Ansatbay Qayratdinov hayoti va



Бахши, жиров, дутор,
қўшиқ, талаба, традиция,
Ансатбай Қайратдинов,
эпик.

*ijodiga bag'ishlangan. Qoraqalpog'istonda tahsil olayotgan
musiqa ta'limining ixtisoslashgan yo'nalishlari talabalarni
o'qitish uchun keng ko'lamli musiqiy material hisoblanadi.*

Кириш. Ҳар бир миллатнинг ўз миллий бойлиги бўлган – миллий санъати мавжуд. Қорақалпоғистон Республикаси ҳам ўзининг миллий санъати ва маданиятига эга ҳисобланади. Ўзининг кўп асрлик бахшичилик ва жировчилик санъати тарихига эга миллатмиз. Айниқса мустақиллик йилларидан олдин ҳам кейин ҳам ўзининг муסיқий қадириятларини йўқотмаган ҳолда, бугунги авлод вакилларига дostonларимизнинг асл нусқалари хронологик хатоларсиз етиб келишининг ўзи ҳам бир санъатдир. Мана шундай санъаткорлардан бири ҳисобланган, Қорақалпоқ халқининг ардоғидаги бахши, созанда раҳматли Ансатбай Қайратдинов ижодиётига бир назар солиш илинжида ушбу тадқиқот ишини амалга оширишга эришдим.

Назарий асос. Ансатбай Қайратдинов нафақат бахши ва созанда, у ажойиб дўст, инсонпарварлик ҳиссиётлари юқори шахс сифатида ҳам танилган. Унинг катталар ва болалар адабиётидаги ўрни беқиёсдир. У болаларни муסיқа санъатига жалб қилишни яхши кўрган, болаларни яратган асарнинг номи билан ипсиз ўзига боғлаб олиб санъат оламига тортишга ҳаракат қилган. Ўзининг кўп йиллик меҳнати, созандачилик ва бахшичилик санъати билан ўтди. Ансатбай Қайратдиновнинг ижоди ва ҳаёти тўғрисида назарий билимлар фақатгина болалар адабиётида озмунча учратишимиз мумкин. Тадқиқот жараёнида қуйидагича омилларга бўлиб илмий-назарий ўрганишга ҳаракат қилинди:

1. Бастакор ва бахши Ансатбай Қайратдинов ижодиёти;
2. Ансатбай Қайратдиновнинг бахшичиликдаги муваффақиятлари;
3. Ансатбай Қайратдиновнинг шогирд тайёрлашдаги ўзига хос йўллари;
4. Ансатбай Қайратдиновнинг болаларга бағишланган муסיқий асарлари;
5. Ҳар хил мавзуларда ёзилган қўшиқ куйлари.

Шу 5 та омил юзасидан изланишлар олиб борилди ва кутилган натижаларга эришилди.

Асосий бўлим. **Бастакор ва бахши Ансатбай Қайратдинов ижодиёти.** А.Қайратдинов 1933 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой тумани, Усман Юсупов савхозида, атоқли Қияс жировнинг оиласида туғилган. Унинг биринчи устози отаси бўлиб, биринчи ўрганган соз асбоби ҳам қобиз бўлди. Қўбиз асбобини кунт билан ўрганиб, дostonларни ўрганиш бобида отасининг ёнида ҳавасга айтиб ҳам юрди. Лекин дутор созига бўлган меҳри кучлилик қилиб, кейинчалик жировчилик билан шуғулланмасдан, у билан батамом хайрлашиб, дутор билан кўп машқлар қилиб, дуторни кўп чаладиган, халқ қўшиқларини куйлайдиган бўлди. Пойтахтга кўчиб келганидан сўнг машҳур бахши-жировлар, артистлар Қияс жировни кўрмасдан кетмас эди. Ўғиз жиров, Қурбанбай жиров, Есемурат, Жанназар, Ерполат жировлар, Есжан бахши, Жуман, Жапақ, Айтжан Хожалепесов в.х. кўплаб санъаткорлар Қурбанияз бахши,



И.Патуллаев, Бегжан созанда Айтназаровлардан ўртак олган А.Қайратдинов, айниқса Есжан Қўсполатов, Айтжан Хожалепесовлар билан қўшни бўлиб, уларга эргашиб шогирд тутинди.

У бахшилар айтадиган кўпгина дostonларни ёдлаб олди. Улардан «Ғариб ошиқ», «Саятхан-Хамра», «Юсуф-Ахмад», «Юсуф-Зулайҳо» сингари дostonларни куйлари билан қўша ёдлаб оларди. Уларнинг айтилишиги, чалинишига (Техникавий) янгиликлар қўшди. Шу билан бирга отасидан ўрганган «Қириқ қиз», «Алпомиш», «Қоблан», «Маспатша» дostonлари тўлиқ ўрганиб ўзлаштириб олди. Бу туби йўқ чексиз бойликлар Ансатбайнинг сўнги пайтлари фольклоримизни тўлиқтириб, маълум мотивларни бўрттириб ва уларга ўзи томонидан кўп ҳаёлий образларни маҳорат билан ясарди. Мана шундай маънавий ғамхўрликлар ўз натижасини бермасдан қолмади.

1950 йилда Нукус шаҳар педагогика институтига ўқишга тушади. 1960 йилда бўлса Нукус мусиқа-хареография училищесига кириб, халқ чолғулари бўлимининг ғижжак асбоби бўйича ўқишга киради. Мана буларнинг барчаси ёш Ансатбайга билимли, илмли етук мутахассис бўлишига катта туртки бўлди. У чорак асрдан кўпроқ вақт қорақалпоқ давлат радио эшиттириш ва телевидение ёнидаги оркестрда созанда ва қўшиқчи бўлиб ишлади. «Адыңнан», «Демир донлы», «Алақайыс», «Тарлан», «Кунхожа сен яры», «Қаражорға», «Нама басы» сингари ажойиб куйларни ижро қилган.

Ансатбай Қайратдиновнинг бахшичиликдаги муваффақиятлари. «Мухаллес», «Кептер мухаллеси», «Налыш», «Келте налыш», «Бармекен», «Теке налыш», «Хансаят», «Тарлан», «Қаракөз», «Кунхожа», «Муса сен яры», «Сен яр гал энди», «Идрис бала», «Еденбай намасы», «Бес перде», эсиресе «Не пайда» намасына, «Пахтакеш», «Қал энди», «Мийнет ет», «Мийнетти суй», «Адыңнан», «Көшки Сәнем», «Сен яр гедели», «Беглер», «Гэл-гэлди», «Бозатаў», «Губбадин намасы», «Кеңес», «Жеке баслы», «Еки баслы», «Ақсўнгил», «Лэй-лэй», «Муса намасы», «Жети асырым», «Пахай», «Дембермес», «Йош топ», «Хәўиж мухаллеси», «Сәўдигим», «Мертеўил», «Эзизим», «Ираны», «Хожа бала», «Салтық», «Хожа дас», «Дәрдиңнен», «Ешбай», «Қарадәли». (Ушбу номи кўрсатилган куй ва қўшиқлар асл қорақалпоқ тилида ёзилди).

Ушбу юқорида номи кўрсатилган куйлар А.Қайратдинов томонидан яқка ва жўрновозлқда ижро этилган. Шу билан бирга радио-магнит лентасига ёзиб ҳам олиниб, олтин фондда кўпчилигини қолдирган. Айниқса у ижро этган «Саятхан-Хамра» дostonидаги «Тарлан» қўшиғи, у айтган вақтдаги тўлқин нолалари, нақоратлари ўзгача эди.

А.Қайратдиновнинг ижро этган «Тарлан» куйи кўпчиликнинг севиб эшитувчи қўшиғига айланиб, уни радио тингловчилар, телетомошабинлар ҳам тез-тездан ушбу қўшиқни сўраб турганлар.

«Ушбу «Тарлан» қўшиғини бошқа бахшилар ҳам айтган, А.Қайратдинов сингари ҳеч ким комига келтириб айтган эмас» – дейди, устоз Көшкинбай Асқаров ҳамда у Жалғас Есболғановлар. К.Асқаров ўз вақтида А.Қайратдиновнинг ғижжакчиси ва шогирди бўлган.

Ансатбай Қайратдиновнинг шогирд тайёрлашдаги ўзига хос йўллари. А.Қайратдиновнинг шогирдлари жуда ҳам кўп сабаби, у жуда камтарин, очиқ кўнгил, хулқ-атвори яхши инсон бўлган. Унинг бахши шогирдларидан Мўйноқ туманидан



Қазақбай бахши, Қанлиқўл туманидан Кенесбай бахши, машхур бахши-созанда, мелодист композитор Салменбай Садиқов, машхур қўшиқчилардан Кеңесбай Ниетуллаев, Турсынбай Палымбетов, аёл қўшиқчилардан Ида Рафиқова, Бийбираба Утепбергенова, Ханзада Палуановалар бўлди. Ушбу юқорида номи кўрсатилган қўшиқчиларнинг қўшиқчи бўлиб етилишида А.Қайратдиновнинг ҳиссаси каттадир.

Унинг шогирд танлашида ҳам ўзига хос хусусият бор эди, негаки, ҳар кимни ҳам шогирдликка қабул қилавермас эди. Бўлғуси шогирднинг маданиятига, инсонийлик фазилатига юқори диққат қаратиши билан ҳам ажралиб турган.

Шогирдлари учун бир қанча қўшиқ ва куйларни халқ чолғулари оркестри учун қайта мослаштириб ишлаб чиқишга уринди, масалан, аёл-қизлар учун «Илме султан», «Кептер мухаллеси», «Саз жақсы» сингари классик куй ва қўшиқларни ҳам вокал ансамбли учун қайта ишлаб, уни янги бўёқлар билан безаб рангба-ранглик киритди, янги мотивлар билан тўлиқтирди.

Унутилиб кетиш ёқасидан турган эски қўшиқларни, қайта ишлаб ўз ижодий ҳамёнини бойитиб ўтирди, унинг бу иши Жапақ бахшидан кейин унинг ишларини ривожлантирган ягона шахс бўлди десак муболаға бўлмайди.

Жировлар учун ҳам куйлар басталаган: «Ат болыпты миянкөлдиң тайлары», «Гўлайим» ариясы, «Гўлпаршын» ариясы, «Арслан» ариясы ўхшаган бир қанча мусиқали драма ва опера арияларига ҳам қўшиқ ва куйлар ёзишга улгурди. Унинг шогирдлари ҳам ушбу ижодий муваффақияти билан тарбиялаб, уларни катта концертларга, декадаларга ёки ижодий ҳафталикларда, кўрик танловларда кўзга тушишига сабабчи бўлди.

Ансатбай Қайратдиновнинг болаларга бағишланган мусиқий асарлари. Мелодист ижодиётининг жанрлик тарафидан диапазонининг кенглиги билан ажралиб турган устоз санъаткор, болалар овозига, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда қўшиқларга куй басталаган, болаларнинг севимли мусиқашуноси бўлди. Бу куйларга болалар қизиқишини орттириш мақсадида номлар бериши, овоз баландлигига кўп эътибор бермасдан, енгил формада яъни, болалар дунёини тарифлашга оид белгиланганлигини кўрамыз. Улардан, «Мактабим», «Салом лагер», «Ўрдагим», «Боғчамизни севамыз», «Оқ қуён», «Паровонлик кабутарлари», «Ўқувчи ёшнинг қўшиғи» деган кўпгина қўшиқлари бизга маълум.

Бу қўшиқларнинг кўпчилиги Қорақалпоқ давлат нашриёти томонидан ўз олдида «Кел болалар қўшиқ айтайлик» номи остида нашр қилинди. Яна бир аҳамиятлилик тарафи шундаки, мактабларда ўқув дарсликларига унинг асарлари мунтазам киритилиб, дарсликларга ўзига хослик тус бериб келмоқда.

А.Қайратдинов ўзининг куй басталаш ижодиётинининг чинакам ҳосилдор меваларидан, «Мевали боғ», «Шодланаман», «Совчи қиз», «Гулойим», «Арсланнинг арияси», «Яшна маконим», «Қудратли халқ кучи», «Манголия», «Пилот қиз», «Туғилган жойга» в.х. кўпчиликнинг севиниб айтадиган қўшиқлари бўлди.

Болалар ҳаётидан олинган қўшиқлар ҳар томонлама у боғча боласими, у мактаб ўқувчисими ўзининг ёдлашга ва куйлашга қулайлиги билан ҳам ажралиб турган. Унинг, «Ўқувчи ёшнинг қўшиғи», «Мактабим», «Мен ўқийман», «Боғча-боғча», «Ўрдагим», «Қучонтай» қўшиғини билмайдиган бола йўқ.



Ҳар хил мавзуларда ёзилган кўшиқ куйлари. А.Қайратдинов ўтган асрнинг 50 йиллардан бошлаб халқимизнинг кўзга кўринган бахшиларидан бири бўлиб, ўз ижодиётини бошлаган. Отаси Қияс жиров Қайратдиновдан ва Есжан бахши Қосполатовлардан ўрганган кўшиқ-куйлари, дostonларини моҳирона ўзлаштириб, ўзидан ҳам кўшиб, ўрганган куйларини авжига чиқариб, ҳар хил нолалар, безаклар бера олган.

Бастакорнинг «Гулойим» кўшиғига ёзган мусиқасида қорақалпоқ халқ кўшиқларига тан бўлган ажойиб мусиқий нолалар, триолар, ўзига хос ритмлар билан безаб беради.

«Арслан арияси» даги вокалист партиясига кенг лирик тон бериш ўхшаган хусусиятлари кўшиққа ўзгача икчамлик, ёқимли интонациялар билан бойитиб, кўшиқнинг ўзига хос жиҳати бир буғунли товушларни ҳаракатли таризда узоқ чўзиб туриш орқали уни нолалар ёрдамида безатар эди¹.

А.Қайратдинов дастлабки басталовчилик қадамини халқ санъати билан узликсиз олиб борган бўлса, уни қайта ишлаб, тўлиқтириб борар эди. Сўнги пайтлари у ўзининг оммавий кўшиқларининг рамкаларини кенгайтириб, романс тилида ривожланган кенг диапазонли муҳаббат лирикаларини, халқ куйлари асосида янгилаб бориш устида ишлаб келган. «Тахтақўпир даласи», «Шоли отизларни сайр қилдир менга», «Ақсингул», «Суй мени», «Овулдошларим», «Қутлўғ тўйларингизга», каби кўшиқлари бугунги кун, бугунги замон талабларида ёзилган.

Айниқса бастакорнинг «Қутлўғ тўйларимизга» кўшиғи унинг ижодиётидаги кенг ривожланган авжли мелодик айланмаларнинг кенглиги, эмоционал тасирчанлигининг кучлилиги билан бошқа кўшиқларидан ажралиб туради. Романснинг ўзига хос хусусияти шундаки, у жуда аниқ ва оддий темпда ривожланиб, қуйи буғундан бошлаб аста-аста юқорилик кулминацияга кўтарилиб, яна қуйи буғунга қарай секин-аста тушиш орқали куй яқунланади. Бунда тўлқин тарзида чайқалиб, кетма-кет ривожланиши мелодия, гоҳида йўқорига кўтарилиб, гоҳида пастлаб ва яна йўқори пат билан кўтарилиши кўшиқни динамик ҳаракатлардириб, уни жонлантиради².

А.Қайратдинов ҳар хил жанрдаги куй ва кўшиқлари билан бир қаторда йирик жанрдаги мусиқий асарлар яратишда ҳам ўзининг маҳоратини кўрсата олди. У композитор Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Алимжан Халимов билан биргаликда Р.Ушимбетова ва Н.Ешматовларнинг «Яйловда тўй» пьесасига мусиқа яратиб, кўпчиликнинг меҳрини қозона олди. «Яйловда тўй» пьесасининг бош қаҳрамони Парахатнинг ариялари оз вақт ичида халқ орасида тарқалиб, кўшиқчиларнинг севимли кўшиқларига айланди. Қорақалпоғистонга хизмат кўрсатган артист Ўтеп Қурбанбаев томонидан даставвал ижро қилинган бўлса, кейинчалик Қорақалпоғистонга хизмат кўрсатган артист Турсынбай Палымбетов, Тлепбай Қошқаров ва Жалғас Есболғановларнинг репертуаридан жой олди.

А.Қайратдинов ўзи яратган ва куйлаган кўшиқларини ўз шогирди Салменбай Садиков томонидан ҳам моҳирона ижро этиб келинган. Масалан «Қараман», кўшиғи ҳам ўз диапазонининг кенглиги билан ажралиб турган.

¹ Adambayeva.T.«Revolyuciyağa shekemgi Qaraqalpaq muzikası» Nókis Qaraqalpaqstan baspası.1976.j. 56-bet

² Ўша ерда.



Шоир Қармыс Досановнинг «Она келмоқда» номли кўшиғига басталаган куйи ҳам ўзига хос хусусиятга эга мусиқалардан бири бўлди.

Заклучение. Юқорида кўрсатилган омиллар бўйича изланишларимиз сўнгида, А.Қайратдиновнинг қорақалпоқ бахшичилиги санъати ва адабиётларимизга кўшган катта ҳиссалари, ҳали-ҳонуз очилмаган жумбоқлари мавжудлигини теран англаб етмоғимиз лозим.

References:

1. Adambaeva.T.«Revolyuciyağa shekemgi Qaraqalpaq muzıkası» Nókis Qaraqalpaqstan baspası.1976.j.
2. Пирназаров С.М. «Қарақалпақ театрының профессионаллыққа өтиўинде дәслепки адымлар (1930-1939)» Илмий мақола. «Илим хәм жәмийет» илмий мақолалар тўплами. 2023 й., 62-64-бетлар.
3. Мамутов П. Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театрининг ташкил қилиниши. Театрдаги ижодий жараёнлар ва изланишлар //Journal of Culture and Art. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 1-6.
4. Уразбаев Д, Пирназаров С. THE FIRST APPEARANCE OF POP PERFORMANCES AND ITS DEVELOPMENT OF WORLDWIDE DEVELOPMENT. Science and Education in Karakalpakstan. 2022 years. 95-96.
5. С.М.Пирназаров, С.Б.Аяпов JIRAWSHILIQ KÓRKEM ÓNERI–BIR AKTYOR TEATRI MISALINDA. ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ, 2022.
6. Алланбаев.Р.О. ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ //INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILOSOPHY, SOCIOLOGY, HISTORY AND POLITICAL SCIENCE. – 2018. – С. 12-15.